

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВ РЕСУРСЛАРИГА БАҲО БЕЛГИЛАШ МУАММОЛАРИ

У. Р. Сангирова

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети

З. С. Шохўжаева

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва
тадқиқотлар ҳалқаро маркази бўлим бошлиғи, и.ф.н., профессор

Аннотация:

Амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиши шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарида сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини жорий қилиш ва ирригация-мелиорация хизмати кўрсатишни замонавий даражага кўтариш, яъни ушбу муносабатларни бозор талабларига жавоб берадиган муносабатларга айлантириш зарурияти ортиб бормоқда.

Калит сўзлар: сув ресурслари, трансчегаравий дарёлар, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий қиймат, бадал тўловлари, иқтисодий муносабатлар.

Кириш

Ўзбекистондан сув танқислиги глобал иқлим ўзгариши оқибатида тобора долзарблашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Сув ва энергетика ресурслари – Марказий Осиё давлатларини бирлаштирувчи омилдир. Дарёлар ирмоғида жойлашган тоғли мамлакатлар (Қирғизистон ва Тожикистон) жуда катта чучук сув захиралари ва улкан гидроэнергетик салоҳиятга эга. Дарёларнинг ўрта ва қуйи оқими мамлакатлари (Ўзбекистон, Қозоғистон ва, айниқса, Туркманистон) қазиб олинган ёқилғининг катта захираларига эга. Аммо сув ва суғориладиган деҳқончилик билан бевосита ёки билвосита боғлиқ аҳолининг ҳаётини таъминлаш борасида “юқоридаги қўшниларига” боғланиб қолган. Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг сувга бўлган талаби асосан трансчегаравий дарёлар – Амударё ва Сирдарё ҳисобига қондирилади. Кузатишларга қараганда, 2025 йилга бориб иқлим ўзгариши, глобал ҳароратнинг ошиши туфайли мазкур дарёларни сув билан таъминлаётган музликлар захирасининг 15–20 фоизга камайиши кутилмоқда. Тоғ музликлари ҳажми йилига 0,2–1 фоиз атрофида камайиб бораётгани, тоғ дарёлари ҳавзаларида қор захиралари тобора қисқараётгани фикримизнинг исботидир. Иқлим ўзгариши туфайли минтақамизда ёз фаслига хос давр чўзилади. Ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш меъёри 2030 йилга

бориб 5 фоизга, 2050 йилга бориб 7–10 фоизга ва ниҳоят 2080 йилга бориб ҳозиргидан 12–16 фоизга ошади. Шу боисдан, қишлоқ хўжалигида сувдан тежаб-тергаб фойдаланишнинг аҳамияти жуда юқори.

Мақсад

Амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиши шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарида сувдан фойдаланишда бозор тамойилларини жорий қилиш ва ирригация-мелиорация хизмати кўрсатишни замонавий даражага кўтариш, яъни ушбу муносабатларни бозор талабларига жавоб берадиган муносабатларга айлантириш зарурияти ортиб бормоқда. Аммо, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер ва деҳқон хўжаликларининг экинларни суғориш учун ажратилаётган сувни етказиб бериш харажатларини тўла қоплаш имконияти объектив ва субъектив сабабларга кўра чекланган.

Аксарият қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий аҳволининг заифлиги ва, умуман, қишлоқ хўжалиги тармоғининг хусусиятлари доимий равишда молиявий кўмак беришни тақозо этади. Шунингдек, республикаимиз қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувнинг 50 фоизига яқини насослар ёрдамида далаларга етиб борадиган шароитда насос станциялари, гидротехник иншоотларини эксплуатация қилиш билан боғлиқ сарфларнинг тез ортиб бориши қишлоқ хўжалиги корхоналарини янада оғир аҳволга олиб келади. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланишнинг муҳим бўғинларидан бири бўлган сув хўжалиги тизимининг қуйи бўғинида шартнома муносабатларини такомиллаштириб бориш керак бўлади. Бу жараён эркин бозор шартномаларининг қўлланиш соҳалари кенгайишига, тадбиркорлик ташаббусларининг янада тўлароқ намоён бўлишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бозорнинг фаолият кўрсатиши, ҳар бир тадбиркорнинг имкониятлардан тўлароқ фойдаланиши учун кенг шарт-шароитлар яратиб беради.

Қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланиш муносабатларида сувдан пуллик ёки пулсиз асосда фойдаланиш масалаларини ҳал этишда, биринчи навбатда, республикаимиз шароити учун сув ресурсларининг қуйидаги муҳим жиҳатларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- *сув ресурсларининг табиат инъоми сифатида иқтисодий қийматга эга эмаслиги*: сув ресурслари мутлоқ иқтисодий қийматга эга эмас;
- *сув ресурслари шаклланиши табиат қонунларига бўйсунishi*: сув ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш жараёни ҳар доим ҳам инсонлар хоҳиши ва продасига мос келавермайди;

- *сув ресурсларини моддий неъмат сифатида ажратиб олиши мумкин эмаслиги* – ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар дунёсидан сувни ажратиб олишнинг иложи йўқлиги (қайси тармоққа аниқ қанча фойда келтириши);
- *сув ресурслари умумэкологик вазифани бажариши* – сув ресурслари инсонларнинг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини қондиради ва доимо катта-кичик экотизимлар доирасида айланиб юради. Мамлакатнинг сув хавфсизлиги экологик хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва ўз навбатида умуммиллий хавфсизликнинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланади;
- *сув ресурслари умумиқтисодий вазифаларни бажаради* – сув хўжалиги тизими қишлоқ хўжалиги ва бошқа сувдан фойдаланувчи тармоқлар билан бирга бир бутун иқтисодий тизим сифатида ривожланиши мумкин;
- *сув ресурсларининг умумсиёсий вазифаси* — мамлакатимиз жойлашган ҳудудда сув масаласи сув орқали ўзаро боғлиқ мамлакатларнинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатини белгилаб берувчи масала ҳисобланади. Бу масалалар қишлоқ хўжалигида сувдан фойдаланишда, у ёки бу йўналишдаги иқтисодий механизмларни жорий этишда, албатта, ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда бир ёқламаликка олиб келади ва жорий этилган механизмлар амалда самара бермаслиги мумкин.

Тарихга эътибор берадиган бўлсак, собиқ Иттифоқ даврида қишлоқ хўжалигида сув истеъмолчиларга «бир умрга бепул фойдаланишга» берилган ва натижада, сув хўжалигини маблағлар, ресурслар билан таъминлашни давлат бутунлай ўз зиммасига олган. Оқибатда сувнинг текинлиги унинг кадрсизлигини юзага келтириб, қишлоқ хўжалиги корхоналарида сувдан фойдаланиш жараёнида аста-секинлик билан лоқайдлик кайфияти уйғона бошлаган. Чунки сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш имконини берувчи иқтисодий механизм шаклланмаган ва ишламаган.

Натижалар. Бугунги кунда республикамызда аграр иқтисодий ислохотларнинг бориши жараёнида хўжалик юритишнинг нодавлат шаклларига ўтилиши ва мулкка эгаллик муносабатлари ўзгараётганлиги сабабли сув хўжалиги тизими учун давлат томонидан ажратилаётган маблағ миқдори ҳам аста-секин камайиб бориши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу сабабдан сув хўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш учун қуйидаги масалаларнинг илмий ва амалий асосларини тадқиқ этиш, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилади. Яъни:

- иқтисодиётнинг барча соҳаларида сувдан ва унга тегишли хизматлардан пуллик асосда фойдаланиш имкониятларини баҳолаш ва уни жорий этиш асосларини ишлаб чиқиш;
- қишлоқ хўжалигида сув истеъмол қилувчиларнинг маблағларини, ирригация ва мелиорация объектларини эксплуатация қилиш, янгиларини қуриш, таъмирлаш

ишларига жалб қилиш имкониятларини тадқиқ қилиш, бу жараёни ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш;

– ирригация ва мелиорация тизимини ишчи ҳолда сақлаш, модернизация қилишни молиялаштирадиган махсус жамғармалар, тижорат банклари, халқаро ташкилотлар ва бошқа молиявий институтлар маблағларини жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш;

– сув хўжалиги ва эксплуатация ишларига ажратилган капитал маблағлардан давлат улуши миқдорини илмий асослаш, уни сарф қилишнинг устувор йўналишларини асослаш усулларини ишлаб чиқиш кабилар.

Бугунги кунда сув истеъмолчиларининг мулк шакллари ўзгариши, фермер ва деҳқон хўжаликлари сонининг кескин кўпайиши, уларнинг сувга бўлган талаби миқдор ва вақт нуқтаи назаридан турли-туманлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида муайян ташкилий ва таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилишини тақозо этади. Жумладан, сув хўжалиги тизими, уни бошқариш ва объектларни эксплуатация қилиш жараёнида сув истеъмолчиларининг уюшган жамоалари бевосита ёки билвосита қатнашишини таъминлайдиган тартиблар механизмини жорий этиш лозим.

Республикамизда ҳозирда суғорма деҳқончилиқни сув билан таъминлаш пулсиз амалга оширилмоқда. Сув истеъмолида сувдан фойдаланиш текин бўлиши, таъкидланганидек, сув истеъмолчиларининг сув сарфига нисбатан бефарқ бўлишига ва ундан тежаб-тергаб фойдаланишдан манфаатдор эмаслигига олиб келадиган ҳолатларга қарши курашиш лозим бўлади. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий, ҳуқуқий-ташкилий, молиявий дастакларини давлат томонидан унумли жорий этишига сув танқислиги шароитида ундан самарали фойдаланишга ундайди. Бундай ҳолат жаҳон тажрибасида ҳам мавжуд бўлиб, сувдан оқилона фойдаланишнинг янги усул ва технологияларини қўллаган ва сув ресурсларидан самарали фойдаланган сув истеъмолчилари айрим давлатларда молиявий қўллаб-қувватланади.

Сув ресурсларининг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда дунёда сувдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тажрибаси ҳозирги кунда кенгаймоқда. Асосан, кўпгина мамлакатларда бу қилинган харажатларни қоплаш учун ва сув билан таъминлаш, жамият аъзоларини сувдан оқилона фойдаланишга йўналтириш учун хизмат қилади.

Кузатишларнинг кўрсатишича, сув истеъмолчиларидан турли усулларда ҳақ олиш қўлланилади. Жумладан:

1. Ишлатилган сув ҳажмига қараб;
2. Сув етказиб берганлик учун;
3. Фойдаланганлик бирлиги учун (суғориладиган гектар учун);
4. Сувдан фойдаланишда лимитини ошириб юборганлик учун;

5. Сувни ифлослантириш чегараларига риоя этмаганлик учун;
 6. Сув олиш ҳуқуқига эгалик қилишни сотиб олиш орқали (лицензия учун ҳақ тўлаш);
 7. Сувга ҳақ тўлаш белгиланган солиқлар таркибига киритилган ҳолда ундирилиши.
- Суғориш учун тўлов ёки бадал майдон, маҳсулот ҳажми ёки бошқа омилларга қараб кўрсатилган хизмат учун қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан амалга ошириладиган умумий тўловга киради.
- Сув нарҳини аниқлаш доимо мураккаб бўлган, “тўлик” нарх ўз ичига жорий эксплуатация, амортизация ёки капитал харажатларни қоплаш, фойдаланилган имкониятлар, жамоат ва экологик харажатларга кетадиган сарфларни ёки уларнинг бир қисмини олиши мумкин.
- Турли мақсадлар, турли сув манбалари, турли даражадаги сув тақчиллиги ва турли технологиялар, хўжалик типи ёки ижтимоий-иқтисодий мақсадга эга суғориш тизими мавжуд бўлган битта мамлакат ичидаги тўловлар шакли ва механизмларда муҳим фарқлар бўлиши ҳам мумкин. Миллий даражадаги суғориш ишлари учун сувдан пулли фойдаланиш тизимининг ҳозирги босқичда асосан: – бир кубометр сувга ҳақ тўлаш; – бир гектар экин майдони учун сувга ҳақ тўлаш усулидан фойдаланилади.
- Сувдан фойдаланишни пуллик асосга ўтказиш борасида ҳам турли баҳслар, мунозаралар бўлишига қарамадан, бизнингча, сувдан фойдаланганлик учун тўлов сиёсатининг мақсади харажатларни қоплаш ва сувга талабни бошқариш ҳисобланади. Мамлакатимизда сув ресурслари тақсимотининг макроиқтисодий жиҳатлари, ифлосланиш олдини олиш учун тўловлар ва солиқ солишдаги даромад принциплари назариялари мавжуд бўлса-да, лекин улар камдан-кам ҳолатларда миллий сиёсатда қўлланилади.

Хулосалар

- Умуман олганда, бозор шароитида сув етказиб берганлик учун хўжаликлар ҳақ тўлашини тақозо этади. Аммо бу назарий жиҳатдан тўғри бўлса-да, амалий жиҳатдан масалани ҳал этишда бир томонламаликка олиб келиши мумкин. Чунки ҳозирги босқичда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун сувни етказиб берганлик учун ҳақ тўлашга тўлик ўтиш қатор сабаблар туфайли мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. Жумладан:
- тупроқ унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини тиклаш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш тадбирлари катта маблағ сарфини тақозо этади;
 - фермер хўжалиқларининг молиявий барқарор ҳолатга эга эмаслиги ҳисобига суғориш ва экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига маблағ ажратиш имкониятига эга эмас, шу боисдан ҳам ҳозирда харажатларни давлат ўз зиммасига олган ва бюджет ҳисобидан қопланмоқда;

– фермер хўжаликларининг ривожланиши муносабати билан хўжалик ер майдонлари янада майдалашиб кетишига асос яратди, бу эса ариқлар ва коллектор тармоқларининг кўплаб хўжаликлар худудидан ўтишига олиб келди. Натижада коллекторлар, ирригация ва мелиорация тармоқларининг ўз-ўзидан хўжаликлараро иншоотларга айланишига олиб келди;

– республикамиз қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган сув ресурсларининг ярмидан кўпроғи насослар ёрдамида етказиб берилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини кескин пасайтирувчи объектив сабаблардан бири ҳисобланади ва фермерларни давлатнинг молиявий кўмагига муҳтож қилиб қўяди;

– қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий-иқлим омилларига кўп даражада боғлиқлиги қишлоқ хўжалиги корхоналарининг барқарор молиявий ҳолатини таъмин этмайди. Бу эса қишлоқ хўжалигида сувнинг тўлиқ пуллик асосда фермерлар далаларига етказиб берилишига жиддий тўсиқ бўлади.

Тилга олинган омиллар сув хўжалигини бошқаришда муҳим аҳамият касб этиши боисдан, сув хўжалиги тизимида бозор тамойилларини жорий этишга комплекс ёндашув бўлиши лозим. Бундай ёндашув асосини сувни тежашга, уни исроф қилишга қарши иқтисодий чоралар билан биргаликда, сув етказиб бериш билан боғлиқ сарф-харажатларни сув истеъмочилари томонидан қоплашнинг мақбул нисбатларини ўз ичига олиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. – Т.: “Адолат”, 2009. – 134 б.
2. Хачитуров Т.С. Экономика природопользования. – Москва, “Экономика”, – 1982. с. 138.
3. Умурзаков У.П. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистан. – Т.: – 2005. – 76 с.
4. Чориев К. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари. II-том. Конференция маърузалар тўплами. – Тошкент, ТИМИ, – 2007. – 48 б.
5. У.Сангирова. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш. Монография. – Т.: ТИҚХММИ.- 2017. 251 –бет.
6. Р.С. Сангиров. Ўзбекистон худудида ирригация тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи. (Қадимги даврлардан ҳозиргача). Монография. – Т.: ТИҚХММИ.- 2019. 281 –бет.
7. Полвон М. Сув-ҳаёт манбаи. <http://huquqburch.uz/uz/view/761>.

<https://theconferencehub.com>

8. Раҳматуллаев О., Аббосов С. Сув-Марказий Осиё давлатлари учун муҳим стратегик ресурслар. <http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?>
9. Л.Амиров. Ўзбекистон республикасида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил.
10. Шохўжаева З.С. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари //Биржа эксперт, Тошкент, 2009, №11.
11. Хушматов Н.С. Проблемы экономической оценки орошаемых земель в сельском хозяйстве Узбекистана / Аграр иқтисодиёт. Илмий-амалий муаммолар бюллетени. – Тошкент, ЎзБИИТИ. –2005. – № 1-2. – Б. 4.
12. Ибодинов У. Марказий Осиё мислсиз қурғоқчилик бўсағасидами? [https://teletype.in/@mahalladosh_uz/qurgochilik.](https://teletype.in/@mahalladosh_uz/qurgochilik)